Сирпаниш индукцион муфта билан асоси электр юритма кўрсаткичлар:

1. Ростлаш диапазони чиқиш вали тезлиги.
2. Ростлаш силлиқдиги (оцисталиги).
3. Иш барқарорлиги ростлаш характеристикасида.
5. Ростлаш тезлигида рухсат этилган юкланиш.

Ростлаш диапазони. ИМС ёрдамида тезликни ростлаш чиқиш валининг номинал диапазонида бўлиши юкланган муфта вали 0 гача.

Ростлаш силлиқлиги ва механизм разгони механик характеристикадан куришиб турибди.


Ток омили бўйича  $1_v$  дан  $1_b$  ном уйғотиш тезлиги бўлади. Тўғри ўсиши бўйича 1, 2, 3, 4, 5, 6.

cd- механизм қаршилик momenti ( $M_{c\text{const}}$ );

$O_m$  - вентиляторнинг қаршилик momenti

abc- асинхрон двигателнинг мех-ик характеристикаси.






11-расм. Сирпаниш индуктор муфтлар механик характеристикаси.

Механик характеристикадан кўришиб турибдики, двигателни ишга тушириш momenti  $M$  ишга тушириш қаршилик momenti «cd» дан кичик.

Балки, механизмни ошириш тўғридан-тўғри двигател механизми билан уланиши мумкин эмас. Сирпаниш индуктор муфтаси ёрдамида двигатель билан механизмни улаганда бир бошидан двигателни ошириш мумкин холостойдан ишчи двигателга ўтказиш бу эса характеристиканинг мустақкамлик қисми «bc». Бу қисмда айланиш momenti  $M$  ишга тушириш моментитдан кўп бўлади.

Агар бундан кейин уйғотиш чўлғами муфтасига кучланиш берсак унда механизмни оширишга бўлади, двигател билан механизмни тўғри уламда ошириш мумкин эмас. Муфтанинг иш мустақкамлик шarti  $M_k M_c$ .



12 – расм. Ишнинг айланиш частоталарини ростлашдаги қулайлиги.

А) Вентилятор қаршилик моменти,

Б) +аршиликни доимий моменти.

Бунда чиқиш валининг тезлиги қийматига тушади, бу шолда яна айланиш моменти ва қаршилик моменти орасида мувозанат бўлади.

$N$  ростлашда (чиқиш вали) қаршилик моменти ўзгариши, механизмида ростлаш тизимнинг ёпиқ шолатини қўллаш зарур.

Муфтани ишлаб чиқаришда катта қийинчиликдан бири бу ишчи дискни ишлаб чиқишда. Дискларнинг ўз жоизлиги бўлиши керак текисликсиз камида 0,02мм ва тўғрисиизлик ёни жоизлиги камида 0,03мм.

Дискни олишда керакли текислик, бундан ташқари қаттиқлик шталепкадан кейин уни тўғрилайди, эритади, тузли ваннада қизитади 98°C гача, махсус қурилмада, дискларни пакетга қисувчи ва шу пакетнинг ўзида совутади мойли ваннада 100°C гача.

Бундан кейин рухсат этилади 350-400°C да 30-35 мин оралиғида. +атламини тушириш учун дискни шлифовка қилади. Шлифовкадан сўнг нормаллаштиради (қурилмада) тқ400°C. Термик ишлов беришдан кейин дискнинг қаттиқлиги ст. 65 Г Re қ 43-45 учун.

Термик ишлов беришни ток узатувчи шалқадан ўтказиш қурилма қўлланиши зарур, уни кораблениядан сақлайди. Шалка усти қаттиқлиги Rсқ40-50 ни ташкил этади.

Магнит ўтказгич материали темир «Армко», 10 та керакли термик ишлов бериш – ёқиш 34 оралиғида. 950°C да ва совутиш кечаси билан 10°C гача 4-6 соат орасида. Цилиндр устки корпусининг уриши ва корпус торкасининг ўрнини 0,05мм дан ошмаслиги керак.

Ишчи температура катушка томонида 125°C дан ошмаслиги керак, фрикцион дискларда эса ундан юкори 200°C.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзгармас токли электр ўтказгичнинг ўзгармас ток орасидаги афзаллиги нимадан иборат?
2. Электромагнит порошокли муфтанинг афзалликлари?
3. Сирпаниш муфтасининг қўлланиши томонлари (электромагнитли)?

### **Адабиёт.**

1. Перельман Д.Я ва бошқалар. «Комплексная механизация и автоматизация ремонта подвижного состава». М.: Транспорт, 1977г.
2. Луков Н.М «Основы автоматики и автоматизации тепловозов». Учебник для ВУЗов ж.д Транспорта. М.: Транспорт, 1989 -296с.

**Маъруза №9. Гидроавтоматика қурилмаларининг таснифи.  
Гидравлик насослар. Гидравлик ижрочи элементлар**

**Маъруза режаси:** Талабалар аввалги маъруза бўйича савол жавоб ўтказиш; гидроавтоматика қисмларини синфланиши. Гидронасослар ва гидромоторлар; мембранали қурилмалар (ютуқлар ва камчиликлари). Тақсимловчи ва ростловчи қурилмалар. Ишлаб чиқариш жараёнларни гидравлик тизим билан автоматлаштириш бу шархил гидравлик қурилмаларни бир мақсадни кўзлаган шолда бир-бири билан болаш.

### **Калитли сўзлар.**

**Гидравлик дроссель, ротацион лопасли насос, киринди трубкали қурилма, мембранали механизм.**

**Автоматик бошқариш ва ростлашни гидравлик тизимлари куйидаги гидравлик қурилмалардан ташкил топган.**

1. Механик ишни ишчи суюқликни босимини потенциал энергиясига айлантирувчи - гидравлик насос.

2. Ишчи суюқлик босимини энергиясини механик ишга айлантиргичлар (сервомоторлар ва бош.).

3. Ишчи суюқлик шаракатланувчи қувурлар тизими.

4. Тизимнинг ишлаш босқичларини кетма-кетлигини ва унда шаракатни аниқ чизмасини тузиш ва ишчи суюқликни оқими қийматларини керакли ўзгартиришларни амалга оширувчи жараёнларни ўтишини зарурий таъминловчи ростловчи ва тақсимловчи қурилмалар.

5. Ишчи суюқликни ва тизимни бўинларини ишини кўрсаткичларини ўлчашга мўлжалланган бошқарувчи қурилмалар.

6. Ёрдамчи қурилмалар.

**Гидравлик насослар ихчам, қўллашда нисбатан осон ва осонгина ростланади.**

Гидравлик тизимдаги қувурлар тизими айлантиргичлар ўртасида энергияни бир-бирига узатишга ва уларни бошқариш ва ростлаш қисмлари билан болаш учун хизмат қилади. +увурлар тизимида қаттиқ метал қувурлар ва эгилувчан шланглар қулланилади.

Гидроавтоматикада ишлатувчи айрим насосларни ишлаш асосини ва тавсифини кўриб чиқамиз.

### **Поршенли насослар.**

Гидроавтоматикада қўлланиладиган поршенли насосларни учта белгилари бўйича синфлаш мумкин.

1. Узатма тури бўйича.

2. Шаракатни карралиги бўйича.

3. Ишчи қисмларни турлари бўйича.

Насослар узатма тури бўйича куйидаги гурухларга бўлинади:

1)Тўри таъсир этувчи, яъни кучланишлар двигател штокидан бевосита насос штокига ўтказилади. (двигатель поршени ва насос умумий штокга эга).

2)Узатмали, яъни кучланишлар двигатель узатмасидан насосни поршенини штокига ўтказилган крейукопор билан шарнирли боʻланган шатунли, насосни поршенини штокида тугайдиган кривошип-шотунли механизм орасидаги узатиш қутиси орқали узатилади.

### **Поршенли насослар щаракатни карралиги буйича бирламчи иккиламчи ва кўп каррали щаракати насосларга бўлинади.**

Агар учта бирламчи насосларни шундай бирлаштирайликки улар умумий сўрувчи ва сиқувчи қувурга эга бўлишсин ва ишчи цилиндрлар бир-бирига нисбатан 120°С га сурилган бўлсин, бундай насос учта каррали щаракати насос дейилади.

Тўртламчи щаракатли насос бу иккита иккиламчи насосни, ишчи цилиндрларни бир бирига нисбатан 180° бурилган щолда жойлаштирилган насослардир.

Насосни ишчи қисмлари турлари буйича куйидагиларга бўлинади:

1) Поршенли (Поршен диск кўринишида ишланган бўлиб, зичловчи қисмларга эга).

2) Плунжер (поршен узайтирилган цилиндр шаклида ишланган).

3) Ўтувчи поршенли, бунда босим сақловчи клапан бевосита поршенда ўрнатилган бўлади.

Оддий щаракатли поршенли насосларни салбий хислати бу насосни поршени гощ тепага гощ пастга щаракатланади ва бу щаракатлар мобайнида бир ишчи цикл ичида поршен нольдан максимал тезликка эришиши насос томонидан суюқликни бир текис эмас, қисм-қисм қилиб ўзатиши. Иккиламчи насосларда нотекис ўзатиш бирламчи насосларга нисбатан икки баравар кам.

Бирламчи щаракатли насосни назарий ишлаб чиқариш  $Q_T$  куйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_T = (FSn) \text{ м}^3 / \text{мин}$$

бу ерда F-поршень юзаси ( $\text{м}^2$ ),

S - поршень или (м),


n - айланиш частотаси (ай/мин).

Иккиламчи щаракатли насосларни назарий ишлаб чиқариш куйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_T = a \left( \frac{FSn}{60} \right) \text{ м}^3 / \text{с}$$

бу ерда a - ишчи бўшлиқлар шартли сони.

Щакикий ишлаб чиқариш назарийдан суюқликни оқиб кетиши



**1 раем. Гидролик поршенли насослар.**

1) поршень, 2) сурувчи патрубок, 3,8) сурувчи клапан, 4,7) босим ушловчи клапан, 5) шток, 6) босимли патрубок, 9) ишчи цилиндр, 10) Ишчи йигувчи суёқлик.

Бирламчи харакатли насос икки марта юришига босимни кувурга узатади:

а) поршень юкоридан пастга юрганда  $V_1 = F \cdot S$

б) поршень пастдан юкорига юрганда  $V_2 = (F - f) \cdot S$ ,  $f$  - штокнинг кесим юзаси.

Цикл ичида поршенни пастга юришида 3 ва 7 клапанлар очилади, юкорига юрганида эса 4 ва 8 клапанлар очилади.

Поршенни ишчи камераларини тенглаштириш учун унинг иккала томонига шток ясалади.

**Шестернали насослар.**

**Шестернали насосларни ишчи қисмлари хамма томондан яхшилаб зичланган, қобикқа ўрнатилган, ўзаро илашишда бўлган иккита шестерня вазифасини бажаради.**

Шестерняли насослар автоматикани доимий хажмда суёқлик узатиши талаб қилинадиган жоқларида кенг қўлланилади. Бошқа турдаги гидронасосларга нисбатан улар бир қанча ютуқларга эгалар. Улардан асосийлари куйидагилар.

- 1) Ясалиши ва тузилишини осонлиги.
- 2) Ўлчамлари ва о'ирлигининисбатан кичиклиги.
- 3) Умуман бир текисда узатиш.
- 4) Босимни узатишдан нисбатан бо'лиқлиги.
- 5) Узоклашиши.

Насосни ишлаб чиқариши куйидаги формула орқали аниқланади.

$$Q = 2\pi D_H m b n \eta_0 \frac{M^3}{\text{мин}}$$


Бу ерда:  $D_H$  - шестернани бошлан'ич айлана диаметри, м.

$m$  – илашиш модули.

$b$  – шестерня эни, м.

$n$  – шестернялар айланиш частотаси,  $\frac{ай}{мин}$

$\eta$  - суюқликни оқиб кетишини ва щавони сўриб олинишини щисобга олувчи хажмий Ф.И.К.



Суюқдик хажмини 1 % га кискартириш учун (сувни)  
 $P = 200 \frac{кгс}{см^2}$  куч зарур. Симоб учун  $P = 2500 \frac{кгс}{см^2}$

2-расм. Лаппакли ротацион насослар

1,2-Суриш камералари. 3,4-босим бериш камералари 5.- Статор б-  
 Насос кобоги. 7-Ротор 8-Лаппаклар.

Иккиламчи харакатли лаппакли ратацион насослар машинасозликда кенг тарқалган. Саноат бир минутига 5 литрдан 200 метргача ишлаб чиқара оладиган ва 60 дан 70 гача (6 ÷ 7) МПа  $\frac{кгс}{см^2}$  ишчи босимли бир катор насосларни ишлаб чиқармоқда. Бу насосда суриш ва чиқариш ротор бир айланганида икки маротаба амалга оширилмоқда. Лаппаклар роторни радиал пазларига бушликсиз утказилади.

Иккиламчи харакатли лаппакли насосни асосий ютуги бу лаппакли насос узатиб берувчи суюқликни окимида узлуксизликни таъминланиши, бу агар лаппаклар сони 8-12 дан кам булмаса таъминланади.

Насосни ишлаб чиқарувчанлиги куйдаги формула орқали аниқланади.

$$Q_T < 26h(R-r) \left[ \Pi(R+r) - \frac{SZ}{\cos \alpha} \right] 10^{-6} \text{ м}^3 / \text{мин}$$

бу ерда  $S$  - лаппак калинлиги.

$Z$  - лаппаклар сони.


$\alpha$  - лаппакни радиусга о\ган бурчаги.

$\Pi$  - роторни 1 минутдаги айланишлар сони

$b$  - лаппаклар кенглиги/

Гидравлик насослар иккиламчидир, яъни суюклик босимини потенциал энергиясини келтирсак унда улар онсонгина гидромоторлар (гидродвигетелларга) ақланиши мумкин.


**Гидравлик бажарувчи мехонизмлар ишчи бошқдрувчи харакатни илгариланма ва айланмалигига караб булинади.**



### 3-расм. Ижро этувчи гидравлик курилмаларни синфланиши.

Мелебранали курилмани ишлашни батафсил куриб чикамиз.

Мембранали курилмалар поршенли курилмаларни бир кисмидир, аммо улар фарклирок, тавсифга эгадирлар. Бундай курилаларни асосий қисмлари юмшоқ мембранадир.



Мембрана 2 халқа билан махкамланган  $P$  босимли суюклик мембрани бир томонига таъсир килади ва пружинани 3 бикирлигини енгади/

4-расм. Биртомонлама таъсир этувчи мембранали курилма 1) ишчи бушлик 2) мембрана 3) пружина 4) шток  $P$  - ишчи суюклик босими  $Q$  - шток акс таъсири.



Хисоблаш учун мембранага куч берганимизда, мембранага уланган штокка узатватганида куч тула таъсир этватган мамбранани уша кисмини катталигини билиш зарур.

Бунинг учун юмшок мембранага хос учта холатни куриб чикамиз. Мамбранани (штокни) тулик юриши  $S \leq 100\%$  деб оламиз.


$S \leq 0\%$  булганида, яъни мембранани юкори холатида.

Хисобий чизмага каранг (5 - расм)

Бунда мембранани халкали таянчи мембранага таъсир этувчи радиал ташкил этувчи кучларни кабул килади ва шток билан туликлигича кабул қилинаётган вертикал ташкил этувчиларни кабул килмади.

Урта холатда  $8 \leq 50\%$  бу ерда таянч радиал ташкил этувчилар билан бир каторда вертикал ташкил этувчиларни бир кисмини кабул килади.

Хар бир аник холатдаги мамбранани юзасини шаклига шток билан мембранани махкамланадиган периферис таянчи орасида акс таъсир кучларини таксимланишни холати боглик. Кичкина эгилишга эга булган эластик мамбрана бу богликликни куйдагича топиш мумкин, бунда мембрана юзасини оддий булакларга булинади. Бунда хар бир булакни иккита таянчда ётувчи ва юза буйича бир текиста юкланган лаппак деб олиб таянчлар акс таъсир кучларини топиш мумкин. Чунки учбурчакнинг маркази дойра марказидан  $\frac{2}{3}$  масофада ётибди, унда мембрана марказига хар бир булакка таъсир этувчи кучни  $\frac{1}{3}$  кисми узатилади. Демак курибчикилган булаклардан ташкил мембрана марказига йигиндида куйидаги куч таъсир килади.




**5 - расм. Шток юмшок илашган мембранани хисобий тавсифи D-мембранани куринадиган диаметри F-доира юзаси.**

Куйи пастги холатда Q кучланиш нольга тенг булади. Пастда мембранани йулини атиги 15 - 20 % гина ишлатилади.  $Q = \frac{1}{3} PF$  бу ерда: F – айлана майдони.

Юмшок илашган мамбранага нисбатан штокни ва мембранани каттик илаштиришда Q кучини куйилши жойлари сезиларли даражада узгади. (6 раем). Бунда мамбранани маркази иккита каттик доиралар

билан сиқилади, каттикдоиралар ижро этувчи курилмани штоки билан махкамланади.



6-расм. Штокни мембрана билан каттик бирлаштирилганидаги ҳисобий чизма

Курилмани бир текиста ишлаши учун каттик марказни диаметри мембранани диаметрини 80 % ташкил этиши лозим. Ишчи йули эса, уша диаметрни 15-20 % дан ошмаслиги керак.

Гидроавтоматикани таксимловчи ва бошқарувчи курилмалари. Гидравлик таксимловчи курилмалар гидравлик тизимини ҳар хил қисмларидаги суюқлик оқимини йуналиши узгартиришда, уларни ҳар хил курилмалар орқали оқиб утишини ва ҳар хил режимларда ёғни резервуарга йигишда, ҳамда курилмаларни ишини кетма - кетлигини таъминлашда қулланилади.

Гидроавтоматикани замонавий тизимларида кранли, клапанли, залотникли таксилағичлар кенг қулланилади.

Ростловчи гидравлик курилмалар ёрдамида зарурий босим оқимнинг сарфи, шу билан биргаликда қучишлар ҳам курилмаларни тезлик ва тезланиш катталиклари урнатилади. Бундай курилмалар энг қулай ишчи жараёни танлашда ва уни ушлаб туришда, уни автоматлаштиришда ва курилмани юқори ФИК билан ишлашини таъминлайди.

Ростловчи ва таксимловчи курилмаларга қуйидагилар қиради:


- 1)Тугри чизикли ҳаракатланувчи плунжерли залотник.
- 2)Буралма ҳаракатланувчан плунжерли залотник.
- 3)Клапанлар.
- 4)Сопло - заслонкали курилма.
- 5)Дроселлар.
- 6)Узи қайтувчи ҳаракатланувчан поршенли цилиндрлар.
- 7)+иринди трубкаси.

Гидравлик дроселларни ишлаш асосини ва қулланишини батафсил қуриб чиқамиз.

Дроссел – бу гидравлик қаршилик булиб, у ростланувчан ёки доимий булади, дросселдан олдин босим узгармас булса, у холда дросселдан кейин босимни пасайтириш учун, агар дросселдан кейин босим узгармас булса унда дросселдан олдин босимни ошириш учун тизимга уланади.

**Дросселлар гидротизимдаги хар хил ишларни бажариш учун мулжалланган жуда мураккаб ростловчи ва бошкдрувчи асбобларни таркибига киради.**

Дросселлни асосий ишлаши узунлик буйича дамни йукотиш,



дамни махалий йукотиш ёки аралашган холдагисига асосланган,

7 - расм. Дросселларни асосий чизмалари

а) дамни узунлик буйича йукотиш буйича ишлайдиган дроссель курилма.

б) дамни махалий йукотиш буйича ишлайдиган дроссель курилма

в) аралаш йукотиш буйича ишлайдиган дроссель курилма

Дамни узунлик буйича йукотиш асосида ишлайдиган дроссель курилма узунлиги катта кесим юзи эса унча катта булмаган канал курилишида ишланган. Бу канал копкокга винт шаклида урнатилган. Копкокни 1 ни кобик 2 буйича у ёкка ёки бу ёка суриш билан, канални ишчи узунлиги узгартирилади, бунга дамни йукотиши боғлиқ. Шундай дросселларни асосий камчилиги бу йукотишни катталиги ишчи суюкликни ковушоклигига боғликлигидир. Дросселдан окиб утувчи ишчи суюкликни микдори куйидаги формула оркали аниқланади.

$$Q = K_1 P_1$$

$K_1$  - дроссель тузилишга боғлиқ, коэффициент  $P_1$  - дроссель олдидаги босим.

Дамни маралий қаршилиқлар ёрдамида пасайтирувчи дросселлда унинг асосий кувурига 4 хар хил улчамдаги диафрагмаларни 3 жойлаштирилади. Нина 5 ёрдамида диафрагмадаги тешикни утувчи юзасини узгартириб махалий қаршилиқ киймати узгаради ва окиб утувчи суюклик микдори хам узгаради. Дросселлни утувчи энг катта кесими дросселлни қаршилиги энг кам булганидаги дросселлни тешигини энг кичкиналигида окиб утувчи суюкликнинг тезлигида берилган  $Q$  хажмдаги суюкликнинг дроссель очик булганидаги шартидан хисобланади.

Дросселловчи тешикни узунлиги унинг диаметрига булган нисбат катталиги канча кичик булса, шунча дроссель томонидан утказилаётган суюкликни микдори куйидаги формула оркали аниқрок хисобланади

$$Q = K \sqrt{\Delta P}$$

$K$  - дросселлни тузилишига боғлиқ коэффициент, уни очиклиги ва ишчи суюкликни ковушоклигини даражаси


$\Delta P = P_1 - P_2$  кувурлардаги дросселлни шкала томонида хосил буладиган босимлар фарки. (бу ерда  $P_1$  ва  $P_2$  ишчи суюкликни дросселлдан олдинги ва кейинги мос босимлари).

Шунинг учун дроселларда тешикни конуссимон оким томонига шиддат билан кенгайувчан, уткир кирувчи киррали килиш максадга мувофик.  $K$  коэффициентни киймати оддий йул билан аникланган, у 0.7 - 0.85 ораликда ётади. В расмда, дам узунлик ва махалий кдршилик умумий холда учрайди ва улар ростлаш пайтида узгарадиган дросселли курилмани чизмаси курсатилган.

Бу дросселда пробкани 1 кувур 4 уки буйича кучирганимизда тиркишни узунлиги ва кесим юзи узгаради. Бунда дами узунлик буйича ва махалий қаршиликлар ёрдамида пасайтирилади.

**Суюклик сарфини микдор сакдагичи.**

Сарфни (суюкликни щарактини тезлиги) микдор сакдагичи гидроавтоматикада мухим урин тутади.



**8 - расм. Суюклик сарфини микдор саклагичи.**

1 - плунжер. 2 - дроссель. 3 - пружина. 4 - клапан. А - пружина кучланиши.

Плунжер 1 дроссель олдида ва орқасида доимий босимлар фаркини таъминлайди, улар уз урнида суюкликни дроссель орқали тизимга окишини микдорини саклайди.

Босимлар фаркини кичиклиги сабабли дроссель кирланиб колишидан сакданади, чунки катта утувчи кесимларда ишлаш эхтимоли бор.

Клапанга пастдан куйидаги купайтмага тенг куч таъсир килади.

$$(F_H + F_k)P_2$$

$F_H$  плунжерли пастки олдкисмни майдони.

$F_k$  плунжер щалкасини пастки олдкисми майдони.

Омма  $(F_H + F_k) = F_b$  плунжерга пастдан куч  $F_b P_2$  га тенг булди.

Юкоридан плунжерга пружинани 3 бикирлиги ва дроссель ортидаги  $P$  босим хосил килган  $F_b P_3$  куч таъсир килади.

Плунжир муаллақ шолатини саклаб қолиш учун куйидаги муносабат кузда тутилиши шарт.

Агар дроселлгача  $P_2$  босим ошса ёки ундан кейинги  $P_3$  босим пасайса унда плунжерли юкорига ҳаракатлантирувчи куч ҳосил булади ва плунжерни пастки қисми  $P_1$  босимли тиркишни қисман беркитади. Бунда  $P_1$  ва  $P_2$  босимларни дроселлаш ортади.  $(P_1-P_2)$  фарқи олдинги қийматига қайтгунича давом этади, аксинча  $P_3$  босим ортишида ёки  $P_2$  босим пасайишида плунжер пастга ҳаракатланади  $P_1$  босим дроселлаш пасаяди, натижада  $(P_2 - P_3)$  фарқининг қиймати тикланади.

### ***Назорат саволлари тўплами.***

**1) Насос ҳаракатини қарралиги нимани аниқлатади.**

2) Ротацион лаппакли насослардан фойдаланганда қайси шароитларда суюқлик оқими узлуксизлиги таъминланади.

3) Насосларни иккиламчилиги нимани аниқлатади.

4) Мембранали қуролма поршенлидан нимаси билан фарқланади.

5) Гидроцилиндр штокини ҳаракатини тезлиги қандай ортиланади.

6) Гидравлик дросель нима учун хизмат қилади.

7) Суюқлик сарфини миқдор саклагичини вазифаси..

Адабиёт.

1. Перельман Д.Я ва бошқалар. «Комплексная механизация и автоматизация ремонта подвижного состава». М.: Транспорт, 1977г.

2. Луков Н.М «Основы автоматики и автоматизации тепловозов». Учебник для ВУЗов ж.д Транспорта. М.: Транспорт, 1989 -296с.

3. М.Д. Ламберг. Систем гидроавтоматики. М-Л. “Энергия”, 1965, 120с.

**Маъруза №10. Дискрет ишлаб чиқаришни автоматлаштириш  
асослари**  
**Дастгоҳларнинг юклаш қурилмаларини ва технологик  
агрегатларни автоматлаштириш**

**Маъруза режаси:** Юклаш қурилмаларининг вазифаси ва турлари, бункернинг рационал конструкциясини танлаб олиш, деталларни ўлчаш, Ишлов бериш жараёнини бошқариш кўриб чиқилади.

**Калитли сўзлар:** Юклашни автоматлаштириш, бункер қурилмаси, Ясси шаклли заготовка, козирекли бўлгич, трансмиссия юритмаси.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси, маҳсулот таннарҳи паст бўлгани ҳолда, унинг сифати юқори бўлиши учун технологик жараёнларни кенг механизациялаш ва автоматизациялаш зарур. Механизациялаш ва автоматизациялашнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини тасаввур қилиш учун дастлабки донабай вақт таркибини кўриб чиқиш керак. Маълумки донабай вақт  $T_{ум}$  машина вақти ва ёрдамчи вақт  $T_{всп}$ , дастгоҳга техник хизмат кўрсатиш  $T_m$  ва дам олиш вақтидан  $T_{отд}$ , яъни  $T_{штк}T_M + T_{всп} + T_T + T_{отд}$ . Оператив вақт  $T_{ОПЕРк}T_M + T_{всп}$ . Бундан кўринадики донабай вақтни камайтириш учун масалани комплекс ечиш керак, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам машина вақтини, ҳам ёрдамчи вақтни камайтириш керак. Бугунги кунда машина вақти  $T_M$ ни ҳар тарафлама қисқартириш билан бир пайтда ёрдамчи вақт  $T_{всп}$  ни қисқартириш ҳам муҳим масалалардан биридир, чунки у саноатда (машинасозликда) донабай вақтнинг 40% дан 70% игача ташкил қилади. Ёрдамчи вақтни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ишлов берувчи дастгоҳларда (агрегат дастгоҳларда) қуйидаги ишларни автоматлаштириш мақсадга мувофиқроқ:

1. Юкланишни.
2. Деталларни ўлчашни.
3. Ишлов бериш жараёнини бошқаришни.

Дастгоҳ ёки агрегатни автомат юклаш деганда ишлов бериладиган заготовкани механизм ёрдамида уларнинг бевосита тўпланиб турган

жойидан инсон иштирокисиз ишчи минтақага олиб келиб дастгоҳга ўрнатиш ва ишлов бериш тушунилади.

Юклашни автоматлаштириш технологик амалларни автоматлаштириш ва механизмлашнинг мураккаб амалларидан биридир, чунки бу ерда биз турли – туман шакллар ва ўлчамдаги деталларни юклашга тўғри келади. Баъзи саноат ходимларида серияли ишлаб чиқаришда юкларни механизациялаш ва автоматлаштиришда нотўғри фикр бор. Улар юклашни механизациялаш ва автоматлаштириш фақат ялпи ишлаб чиқаришда мумкин деб ҳисоблайдилар. Шу нарсани қайд қилиш лозимки, ялпи ишлаб чиқариш улушига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг фақат 10% и кичик серияли ишлаб чиқаришга эса 75% ни  $\frac{3}{4}$  қисми тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, машинасозликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми серияли ва яккалаб ишлаб чиқаришга тўғри келади. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК нинг таъмирлаш корхоналарида ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарида аксарият ҳолда кичик серияли ишлаб чиқаришдир. Бундай шароитда механизациялаш ва автоматлаштириш проф. С.П.Митрофанов усули бўйича гуруҳли ишлов бериш шароитига мослашиш керак. Деталларни бир хил элементи бўйича бир гуруҳга бирлаштириш партияларни анчагина катталаштиради ва ишлов бериш шартларини серияли, ҳатто ялпи ишлаб чиқаришга яқинлаштиради. Гуруҳларни танлаб олишни енгиллаштириш учун комплекс деталдан фойдаланиш, яъни мазкур деталда учрайдиган барча ишлов бериладиган юзаларни бирлаштириш тавсия этилади. Комплекс детал учун ишлаб чиқилган технологик жараён гуруҳли бўлиб хизмат қилади.

### **Юклаш қурилмаларининг вазифаси ва турлари**

Дастгоҳларни таъминлашнинг бир неча усуллари бор:

1. Бундан таъминлаш (ғалтакдан).
2. Донабай заготовкалар билан таъминлаш.
3. Ғўла билан таъминлаш.

Металл қирқиш дастгоҳларида бундан таъминлаш жуда кам қўланилади (пайвандлаш электродини тайёрловчи автоматлар) – совуқ ҳолда пресслаш учун заготовкалар.

Донабай заготовкалар билан таъминлаш револьвер дастгоҳларида, ғўла тайёрлаш автоматларида қўлланилади. Донабай заготовкалар билан таъминлаш кўпгина автомат дастгоҳларида қўлланилади.

Заготовка турига кўра юклаш қурилмалари энг кўп тарқалган типик ҳолларни ўз ичига олган 2 синфга бўлинади.

- 1) донабай заготовкалар учун.
- 2) сортовой материал учун (ғўлалар, трубалар, полосалар ва ҳоказо).

Донабай заготовкаларни юклаш қурилмалари қуйидагилар учун мўлжалланган:

а) заготовкани ишлаш, уларни фазода ориентация қилиш ва керакли ҳолатда магазинга бериш;


б) заготовклар ушлаш механизми ва ориентацияда қисқа муддатга ушланиб қолганда уларни магазинда етали даражада тўплаб олиш;

в) заготовкларни донабай тарзда бериш;

г) заготовкларни магазиндан асбоб ёки ўлчаш асбоби минтақасига транспортировка қилиш.

Автоматлаштириш даражасига кўра донабай заготовклар учун уч гуруҳга бўлиниш мумкин:

- 1) кўтариш – юклаш;
- 2) магазинли, юклаш (ярим автомат) (6.1 а – расм);
- 3) автоматик (бункерли) юклаш (БЮК) (6.1 б – расм).



1 – расм. Автомат юклаш қурилмаларининг тамойил схемаси:

а – магазинли юклаш; б – автоматик (бункерли) юклаш.

1) кўтариш юклаш қурилмаларига пневматик кўтаргичлар, телферлар киради.

2) магазинли юклаш қурилмаларида заготовклар магазин ёки кассетага аввалдан қўлда ёки механизм билан тахланади. Улар юклаш қурилмаси таркибига кирмайди, қолган барча ҳаракатлар, уларни юклаш учун кўзғотиш автомат тарзда бажарилади. Тўплагичнинг борлиги ишчининг дастгоҳ ёки агрегат олдида туришига эҳтиёж туғдирмайди.

3) автомат юклаш қурилмаларида ушлаш, ориентация ва заготовканинг бошқа ҳаракатлари ишчи – операторнинг иштирокисиз бажарилади. Ҳар бир юклаш қурилмасининг қўлланиш соҳаси умумий ҳолда қуйидагича тавсифланади:

а) кўтариш – юклаш қурилмаларини шакли мураккаб, катта ва заготовкани қурилмага бериш вақти ишлов бериш циклидан кўп бўлган заготовкларда қўллаш;



б) магазинли юклаш қурилмалари шундай заготовкаларда қўлланиладики, уларда геометрик шаклининг ўзига хослиги туфайли, ўлчами ва массаси бўйича ишлаб чиқариш кўлами бўйича мураккаб юклаш қурилмаларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлмаганда.

в) Айрилмаларини геометрик шакли содда ва массаси унчалик катта бўлмаган ва ишлов бериш, ўлчаш унчалик кўп вақт талаб қилмайдиган заготовкалар учун қўлланилади.

Ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда автоматлаштириш даражаси техник иқтисодий ҳисоб – китоблар асосида белгиланади. Автомат ва ярим автомат қурилманинг асосий узеллари қуйидагилардир:

1) ишлов бериш ёки кейинги транспортировка учун саралаш, ушлаш ва узатилаётган заготовкаларни зарур бўлган ҳолатга келтирувчи ва ориентация қилувчи юклаш механизмлари.

2) тўплагич (магазин, кассета, лоток ёки трубка) заготовкаларни дастгоҳнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун керакли миқдордаги заготовкаларни тўлаш учун (дастгоҳнинг ишчи органига транспортировка қилиш учун) кўзда тутилади.

3) назорат қилувчи (баъзи блокировка қилувчи механизм ҳам деб аташади) механизм узатилаётган заготовкаларни ориентация қилади, шунингдек узатилаётган заготовкалар, орасида чет жисмларнинг тушиб қолиши натижасида ва заготовкалар йўқ пайтида дастгоҳни тўхтатади.

4) донабай бериш механизми, яъни кўчиргич заготовкани тўплагичдан озиклантиргичга узатиб беради.

5) озиклантиргич – маълум вақт даврида заготовкани узатиш жойидан асбобнинг таъсир минтақасига суради.

б) юклаш механизмларининг юритмаси ва қотирилиши.

Бункер қурилмасининг тузилиши заготовка шаклига қараб белгиланади. Автомат қурилмаларнинг мураккаблигини тавсифловчи асосий белгилар қуйидагилардир:

1) зарур бўлган ориентациялаш (мўлжал олиш) даражаси.


2) заготовка ўлчамларининг нисбати.

Айланиш жисм шаклига эга бўлган заготовкаларни геометрик шаклига кўра асосан уч синфга бўлиш мумкин.


I. Жуда кўп симметрия ўқи эга бўлган заготовкалар ориентацияга мухтож эмас (мўлжалга).

II. Айланиш ўқи перпендикуляр бўлган битта айланиш ўқи ва битта симметрия текислигига эга бўлган заготовкаларда айланиш ўқи бўйича ориентацияни (мўлжал олишни) талаб қилади (6.2 – расм).

III. Битта симметрия ўқи – айланиш ўқи эга бўлган заготовкалар икки томонлама ориентацияни айланиш ўқи бўйича ва айланиш ўқи перпендикуляр айланиш ўқи бўйича (2 – расм).



6.2 - расм



6.3 - расм

2 – расм. Битта симметрия ўқи – айланиш ўқиға эға бўлган заготовкалар  
 $d$  – диаметр;  $e$  - узунлик.

Ясси шаклли заготовкалар ҳам асосан уч синфға бўлинади.

I. Учта симметрия текислигига эға бўлган заготовкалар фақат заготовканинг узунлиги бўйича ориентацияни (мўлжал олишни) талаб қилади.

II. Иккита симметрия текислигига эға бўлган заготовкалар икки томонлама ориентацияни талаб қилади: узунлиги бўйича ва заготовка симметрик бўлмаган текисликка нисбатан:


III. Битта симметрия текислигига эға бўлган заготовкалар уч томонлама ориентацияни талаб қилади: узунлиги бўйича ва заготовка симметрик бўлмаган иккита текислик бўйича.

Автоматлаш мураккаблиги тартиб номерининг ортиши билан ортиб туради.

Заготовкаларни устивор шароитлар учун ориентация қилиш масаласи жуда долзарбдир. Айланиш жисмлар шаклиға эға бўлган заготовкалар таснифи келтирилган.

I гуруҳ нисбати  $\ell/d > d$  бўлган заготовкалар ( $\ell$  - заготовка узунлиги,  $d$  – диаметри) булар аксарият ҳолда хорда (эгри чизикнинг икки нуқтасини бирлаштирувчи чизик) бўйича ориентация қилинади (6.6 0 расм). Бу нисбат қанчалик катта бўлса шунчалик кўп фоизға заготовкалар хорда бўйича ориентация қилинади ва ориентация шунчалик турғун бўлади.

Диссимон озиқлантиришда кўпроқ чўнтаклар хорда бўйича тайёрлангани кўл келади.  $\ell/d \approx 1$  нисбатли заготовкалар устивор ориентацияға эға эмас (III гуруҳ).




диск хордаси бўйича

3. – расм.

$\frac{l}{d} < 1$  нисбатли заготовкалар ўзларининг ён томонлари билан диск текислигида ориентация қилинади (II гуруҳ) (3 – расм).

$\frac{l}{d}$  исбат дисксимон озиқлантиргичлар конструкциясини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Дисксимон озиқлантиргичлар одатда  $50...60^\circ$  қияликка эга бўладилар.  $\frac{l}{d} = 2,5$  нисбатли цилиндрик заготовкалар учун мўлжалланган исталган БЮ+рига юкланиши мумкин. Дисксимон озиқлантиргичларнинг ийланиш частотаси  $3...12$  айл/мин. ни ташкил этади.




4 – расм.

### Бункернинг рационал конструкциясини танлаб олиш

Одатда цилиндрик заготовкалар  $\frac{l}{d}$  нинг нисбати бирга тенг ва ундан катта бўлганда цилиндрик дейилади. Бу заготовкалар учун БЮҚнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

- 1) диски – яъни чўнтакли (чўнтакчалар хорда бўйича ёки радиус бўйича жойлашади.
- 2) Найчасимон (илгарилама қайтма ҳаракат қиладиган ярим втулкали айланувчи найчали).
- 3) Турли конструкциядаги илмоқли
- 4) Гебранувчи.

Диски юклаш қурилмасининг иш тамойилини кўриб чиқамиз (5 – расм).



5 – расм. Дисксимон БЮҚ тузилиш схемаси.

1 – бункер косаси; 2 – козирекли бўлгич; 3 – айланувчи диск; 4 – олиб кетувчи лоток; 5 – трансмиссия юритмаси.

Ўнтакли юклаш қурилмалари (дисксимон) чўнтаклари диск хордаси бўйича жойлашувида  $\ell/d = 2,5$  нисбатли юклашлар I даражали ориентация талаб қилинганда қўлланилади.

Заготовкларнинг жойлашуви диск текислигига перпендикуляр бўлган юклаш қурилмалари  $\ell/d = 1,5...2,5$  бўлган заготовклар учун шунингдек  $\ell/d < 1$  бўлган заготовклар қўлланилади. Унумдорлик қабул қилиш лотогига тушиш учун зарур бўлган вақт билан чекланади. Заготовкларнинг жойлашуви диск радиуси бўйича бўлганда чўнтакчани юклаш қурилмалари  $\ell/d > 2,5$  бўлган ҳолат учун қўлланилади.

Айланувчи найчали бункер қурилмалари  $\ell/d = 1,5...4$  бўлаги заготовклар учун қўлланилади ва улар биринчи даражали ориентацияни талаб қилади. Заготовкларда  $\ell/d = 2...2,5$  бўлганда заготовкларни юклашда юқори унумдорликка эришилади. Илгарилама - қайтма ҳаракат қилувчи ярим втулкали БЮҚни нисбати  $\ell/d = 1...3$  ва I даражали ориентацияни талаб қилувчи шунингдек  $\ell/d \approx 1$  бўлган заготовклар учун қўлланилади.

Жадвал 1.

Заготовка синфи	Зарур бўлган ориентация даражаси	Юклаш қўрилмаларининг бажарадиган функцияси ва синфи
I	0 – нингчи	Бир жойдан ушлаб олиш ва узатиш (донабай ёки порциялаб)
II	1 – нчи	2 жойдан ушлаб олиш ва битта ориентация даражаси
III	2 – нчи	3 жойдан ушлаб олиш ва иккита ориентация

	даражаси
--	----------

Илмоқли юклаш курилмалари фақат ичи бўш цилиндрик заготовклар учун қўлланилади.

Тебраниш юклаш курилмалар  $\ell/d > 1,5$  бўлган цилиндрик заготовклар учун ва ясси заготовклар учун ҳам қўлланилади. Чўнтакчали бункерларнинг унумдорлиги куйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = nZ \cdot K \quad \text{дона/минг}$$

бу ерда  $n$  - дискнинг айланиш частотаси айл/мин (одатда чизиқли тезлик  $v \approx 5 \dots 10$  м/мин қабул қилинади).

$Z$  – чўнтакчалар сони.

$K$  -  $q/z$  – тўлдириш коэффиценти.

бу ерда  $q$  – дискнинг бир айланишида сўнтакларга тушган заготовклар сони.

$$K = 0,92 \dots 0,98 \quad \text{ёки} \quad Q = 1000 \frac{v}{mK}, \quad \text{дона/минг}$$

Бу ерда  $m$  – чўнтакчалар қадами.

Ифодадан кўринадик бункернинг унумдорлиги дискнинг айланиш тезлиги ва тўлдириш коэффицентиға боғлиқ экан. Дискнинг максимал айланиш тезлиги заготовкларнинг қабул қилиш лотогига тушиш вақти ва иккиламчи ориентация вақти билан белгиланади.

Тўлдириш коэффицентининг қиймати кўпгина параметрларға боғлиқ:

а) ориентация усулиға;

б)  $\ell/d$  нисбатға;

в) чўнтакларнинг ўлчамига;

г) дискнинг қиялик бурчагига;

д) дискнинг айланиш тезлигига;

е) бункерға заготовкларнинг сурилиш жадаллигига;

ж) бункернинг габаритларига.

БЮҚда чўнтакларнинг жойлашуви кўпгина ҳолларда цилиндрик заготовкларда нисбат  $\ell/d > 1$  бўлган ҳолға мос келади.

Бункернинг параметрлари тўғри танлаб олинганда тўлдириш коэффиценти  $0,92 \dots 0,98$  атрофида бўлади. Бункер дискининг горизонтға нисбатан қиялик бурчаги  $\alpha$  ишқаланиш бурчаги  $\rho$  дан катта бўлиши керак, чунки бунда диск юзасидаги заготовклар юқоридаги қабул қилиш ойнасига ишқаланиш кучи билан кўтарилмаслиги керак.

### Назорат саволлари:

1. Ишлов бериш жараёнини қандай бошқарилади.
2. Юклаш қурилмаларининг қандай вазифаси ва турлари мавжуд?
3. Бункернинг параметрлари коэффициентини қанча?

### Маъруза учун адабиётлар:

1. Перельман Д.Я ва бошқалар. «Комплексная механизация и автоматизация ремонта подвижного состава». М.: Транспорт, 1977г.
2. Луков Н.М «Основы автоматики и автоматизации тепловозов». Учебник для ВУЗов ж.д Транспорта. М.: Транспорт, 1989 -296с.

### Маъруза №11. Дастгоҳлар ва технологик агрегатларни автомат бошқариш тизими

**Маъруза режаси:** бошқарув юритма муштчали бошқарув тизими, бошқарувнинг оддий буйруқли тизими, кетма – кет таъсирли оддий буйруқ тизимли бошқарув, бошқарувнинг кузатув буйруқ тизими, фаол назоратли бошқарув тизими, бошқарувнинг рақамли дастурли тизимлари кузатилади.


**Калитли сўзлар:** электрик, пневматик, гидравлик ижрочи механизмлар, Перфолента, магнит тасмаси, фото тасма, перфокарта, магнит барабан.

Бошқарув буйруқларини автоматлашда кучни инсон ўрнига махсус тизим (бошқарув механизми )беради.

Автомат бошқарув тизимларини қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин.

- 1) буйруқ - юритма муштчали бошқарув тизими;
- 2) оддий буйруқ бошқарув тизими;
- 3) оддий буйруқ бошқаруви кетма – кет таъсирли;
- 4) кузатувчи буйруқ берувчи тизим;
- 5) фаол назоратли бошқарув тизими;
- 6) рақамли дастурли бошқарув тизими.

Автомат бошқариш тизимлари ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун механизациялашган ижрочи органнинг функционал схемаси билан танишиш керак (1 – расм).




1 – расм. Юритманинг типик узеллари

Д – двигатель (ҳаракатланиш манбаи, электродвигател, пневмодвигател); Т – трансмиссия – ижрочи органга ҳаракатни узатиб беради; У – барча элементлар, уларнинг ёрдамида юритманинг уланиши, керакли йўналишда ва ҳаракатланиш тезлиги, тормозланиш, юритманинг узилиши таъминланади.

ИО – ишлов берилаетган детал ёки кесўвчи асбобни олиб юривчи ижрочи орган; КУ – инсон томонидан бериладиган бошқарув буйруғи.

Йўғон стрелкалар билан юритма элементлари катта кувват куч узатиши кўрсатилган. Инсон бошқарув буйруқларини даста ёки бошқарув тугмачалари орқали беради.


Буйруқ юритма муштчали бошқарув тизими металл қирқувчи автомат дастгоҳларда ва саноъатнинг кўпгина бошқа тармоқларида кенг қўлланилади. Бу тизим жуда қадимдан маълум бўлган. Механик – ихтирочи А.К.Нортов XVII асрдаёқ биринчи токарлик нусха кўчирувчи яратади, унда кечкичнинг сурилиши айланувчи нусха кўчирадиган (копир) ёрдамида амалга оширилган (2 - расм).



1 – Функционал схема; муштчали юритма ва бошқарув тизими.

Автоматлашган юритмали буйруқ юритмали муштчали бошқарув тизимида бошқарувга ва бу буйруқларни бажариш буйруқ юритмали муштчалар билан амалга оширилади.

Кўпгина ғўлалари автоматларда суриш механизми ва ғўлани қисиш, суппортни суриш ва револьвер каллақларида ҳам уларнинг ишини таъминлаш учун муштчали бошқариш тизими қўлланилади.



## 2 – расм. муштча барабанли диск

Токарлик, фрезерлик дастгоҳларида эгри юзали деталларга ишлов беришда буйруқ - юритмали тизим кенг қўлланилади.


Кейинги йилларда механик нусха кўчирувчи қурилмалар поғонали валларга ишлов беришда муваффақият билан қўлланилмоқда. Уларнинг асосий хусусияти шундаки, улардан нафақат ялпи ва катта серияли ишлаб чиқаришда балки майда серияли ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш мумкин. Буйруқ - юритма тизимининг жуда муҳим хусусиятлари шундаки, уларда бошқарув муштчалари, ўзларига катта юкламаларни қабул қилиб, дастгоҳнинг ижрочи органларини ўзлари ҳаракатга келтиради. Шу сабабли улар оғир ва мустаҳкам бўлишлари лозим, чунки улар катта кучларга бардошли бўлишлари керак. Аммо мураккаб дастурлар учун муштчалар тайёрлаш жуда қимматга тушади.

Шу сабабли буйруқ юритмали тизимлар одатда ялпи ва катта серияли ишлаб чиқаришда ёки кичик серияли ишлаб чиқаришда деталларга гуруҳли ишлов беришда қўлланилади. Буйруқ - юритмали бошқарув тизимининг яна бир хусусияти шундаки, муштчаларнинг катта кучланишлар қабул қилиб ишлаши сабабли улар тез ейиладилар ва берилган дастурни узоқ вақт юқори аниқлик билан бажарилишини таъминлай олмайдилар. Тизимнинг афзаллиги – бу схеманинг соф механик эканлигида бўлиб, шу сабабли паст малакали хизмат кўрсатишларда ҳам ишончли ишлайверади.

Бошқарув ва юритма функцияларининг бирга мужассамлашуви жуда муҳимдир. Бошқа афзаллиги – мураккаб бўлган буйруқларни ҳам қатъий кетма – кетликда бажариш имкониятининг борлигидадир.

Берилган дастурнинг бошқарувни таъминловчи элементларнинг юкланганлигини камайтириш учун алоҳида – алоҳида тизимлар қўлланилади. Бундай тизимларга бошқарувнинг оддий бошқарув тизими киради.

Буйруқ аппарати берилган кетма – кетликда муштчалар ёки бошқа усулларда ижрочи элементларнинг бошқарув узелига буйруқ беради (7.3 – расм). Ижрочи органлар механик ёки, электрик, пневматик, гидравлик бўлиши мумкин.





3 – расм. Оддий буйруқ бошқарув тизимининг тамойил схемаси.


а – функционал схема, б – электр буйруқ тизими, ВК – охирги (четки) узгич, ЭМ – электромагнит.

Бошқарув тизимининг асосий белгиси буйрак аппарати бўлиб, у дастгоҳга бериладиган дастурни олиб юради.

Берилган кетма – кет таъсир бошқарувнинг бошқа тизимида - оддий кетма – кет таъсирли марказлаштирилмаган буйруқли тизимида ишончли таъминланади (4 – расм). Бу схеманинг хусусияти шундаки, у йўлга оиддир. Бошқарув буйруқлари фақат функцияси эмас, балки ижрочи элементи босиб ўтган йўлининг функциясидир. Йўналиш ўзгартиришга буйруқни машина ижрочи органининг ўзи беради.

Бошқарувнинг йўл тизими кўп миқдордаги ижрочи органларнинг кетма – кет таъсирини қатъий таъминлаш зарур бўлганда, масалан, турли – туман автомат қаторларда кенг қўлланилади.

Бирон – бир орган носозлиги туфайли тўхтаса, бутун автомат тизим ҳам ишини тўхтатади.




ишчи йўлга буйрук

орқага қайтиш (салт) йўлга буйрук

тўхташга буйрук

4 – расм. Кетма – кет таъсирли бошқарувнинг оддий буйрук тизими

Ишлов берилётган деталнинг берилган профили  $S_3$ ,  $S_c$  берувчи ва кузатувчи сурилишларни қўшиш билан таъминланади. Кузатувчи нусха кўчириш тизимларида одатда бериш сурилиш деб шундай сурилишга айтиладики, унда бу сурилиш ишлов бериш жараёнида ўзгармас бўлиб қолади (5 – расм). Унинг тезлиги ҳам ўзгармас бўлади, аммо баъзи қурилмаларда ўзгарувчан қилиниши ҳам мумкин. Бериш сурилиши одатда дастгоҳнинг суриш механизми билан таъминланади.




5 – расм. Бошқарувнинг кузатув буйрукли тизими

$S_3$  – бериш сурилиши;  $S_c$  – кузатиш сурилиши;  $S_p$  – натижавий сурилиш.

Кузатув сурилиши бериш сурилишидан фарқли равишда копир (нусха кўчирувчи) профилига мос равишда ҳам катталиги бўйича, ҳам йўналиши бўйича ўзгаради. Кузатув юритмаси бу кучайтиргич қурилмаси бўлиб, унда ижрочи двигател (чиқиш зеноси автомат трзда бериш қурилмасининг ҳаракатини бажаради) бундан ташқи энергия ҳисобига двигателнинг чиқиш қувватини, шунингдек, киришда берилган сурилишнинг маълум бир аниқлигини ҳам таъминлайди.

Деталларга ишлов бериш жараёнида уларни назорат қилиш натижаларига кўра бошқарув буйруғини берувчи тизимини кўриб чиқамиз (6 - расм). Ишлов бериш жараёнида ижрочи органнинг узлуксиз ёки даврий равишда сурилиши назорат қурилмаси билан қайд қилинади, у эса ишлов берилаётган деталнинг амалдаги ўлчамини ўлчайди.



6 – расм. Фаол назоратли бошқарув тизимларининг таркибий схемалари


а – ишлов бериш жараёнида буйруқ берувчи; б – созлашга буйруқ берувчи.

Берилган ўлчам ҳосил бўлиши билан қурилма тўхташга ёки ижрочи органнинг буюмдан нари кетишга буйруқ беради. Ижрочи органларга шпинделлар, ишчи столлар ва ишлов берилаётган заготовкага ва асбобларга ҳаракат берувчи дастгоҳнинг бошқа органлари киради.

Дастгоҳ ишчи органларининг сурилиши ўлчами ва тезлиги билан тавсифланади (7 – расм). Агар ишлов бериш эскизининг картасига мос

равишда ўлчамнинг бошланиши ва ҳисоб – китоб тартиби бўйича тезлик берилса, у ҳолда зарур бўлган сурилишни белгиловчи сон олинади.

Бу рақамлар дастур юритгичга ёзилади, унда дастур юритгичнинг кўрсаткичлари амалга ошганда, ҳисоблаш қурилмалари ишчи органларга сигнал беради. Перфолента, магнит тасмаси, фото тасма, перфокарта, магнит барабани ва бошқалар дастур юритгич бўлиб хизмат қилиши мумкин.



7 – расм. Рақам дастурли дастгоҳлар тизими

а – тескари алоқасиз, б – тескари алоқали.

Дастур юритгичга дастурни ёзиш маълум код билан дастгоҳдан ташқарида бажарилади. Дастурни тайёрлаш маълум миқдорлар жадвалини, йўналишини, ишчи органлар тезлигини тузувчи дастурчилар ёки электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида амалга оширилади, бу эса дастурни тузиш ва уларни автоматлаштиришни марказлаштиради. Дастур юритгич ҳисоблаш қурилмасига киритилади, у эса рақамли сигнални электр сигналига айлантириб беради. Ишчи орган ҳисоблаш қурилмасидан сигнални олиб, то тезликнинг йўналишни ўзгартириш ёки ҳаракатланишдан тўхташ сигнални олмагунча ҳаракатланаверади. Рақам дастурли бошқарув дастгоҳининг ЭХМ билан уйғунлашуви ҳар бир технологик ўтиш учун оптимал кесиш тезлигини ва ҳар бир ёрдамчи ўтиш учун катта ҳаракатланиш тезлигини олиш имконини беради. Шу сабабли рақам дастур бошқарувли (РДБ) дастгоҳларда ишлов беришга юқори сифатни ва меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Тескари алоқасиз РДБ (7 а – расм) дастур юритгич ёрдамида бошқариладиган ишчи орган 4, ҳисоблаш қурилмаси 2 ва оралиқ звено 3 дан иборат. Дастур юритгичга ёзилган белгиланган технологик жараёндан четга чиқиш ҳаракатланаётган ишчи орган билан назорат қилинмайди. Тескари алоқали (7, б – расм) ДРБда ишчи органнинг ҳаракатини узлуксиз тарзда берилган дастур юритгич билан солиштириб борилади.

### Назорат саволлари:

1. Бошқарувнинг оддий буйруқли тизими қандай таснифланади?
5. Деталларга ишлов бериш жараёни қандай назорат қилинади?
6. Рақамли дастурлар қандай бошқарилади?

### **Маъруза учун адабиётлар:**

1. Перельман Д.Я ва бош=алар. «Комплексная механизация и автоматизация ремонта подвижного состава». М.: Транспорт, 1977г.
